


VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

2020 йил январь-июнъ ойлари якуни билан вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 1 365,1 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 68,4 млн. АҚШ долларига ёки 5,3 % га ўсди.

**Ташқи савдо айланмаси ва баланси
(январь-июнъ, млн. АҚШ доллари)**



Маълумот учун: Андижон вилояти товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси (кейинги ўринларда - ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - XCCT) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни XCCT бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва XCCT ўртасида ўтии калитлари ёрдамида амалга оширилади.

Андижон вилояти билан ташқи савдо айланмаси
энг юқори улушга эга бўлган давлатлар
(2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллари, улуши, % да)

ТСА да экспорт ҳажми 235,1 млн. АҚШ долларига (15,5 % га камайди) ва импорт ҳажми 1 130,0 млн. АҚШ долларига (11,0 % га ўсди) етди. Ҳисобот даврида – 894,9 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Топ-10 давлатлар	ТСА	Экспорт	Импорт	Улуши, % да
Корея Республикаси	752,3	0,2	752,1	55,1
Россия Федерацияси	145,8	35,0	110,8	10,7
Хитой Халқ Республикаси	144,4	30,1	114,3	10,6
Қирғиз Республикаси	94,5	86,8	7,7	6,9
Қозоғистон	65,9	59,0	6,9	4,8
Туркия	35,1	5,0	30,1	2,6
Тайланд	28,4	0,0	28,4	2,1
Чехия Республикаси	11,3	0,1	11,2	0,8
Бразилия	10,8	0,0	10,8	0,8
АҚШ	7,9	0,1	7,8	0,6

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишда, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида, экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

Андижон вилояти, жаҳоннинг 72 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Корея Республикасида (55,1 %), Россия Федерациясида (10,7 %), Хитой Халқ Республикасида (10,6 %), Қирғиз Республикасида (6,9 %), Қозоғистонда (4,8 %) ва Туркия (2,6 %) қайд этилган.


Шунингдек, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Хусусан, қўшни давлатлар Қозогистон ва Қирғиз Республикалари билан ТСА да сўнгти йилларда катта ўзгаришлар кузатиласканди. Мисол учун, сўнгти уч йилда ТСА Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси ошгани кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар (қўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Россия Федерацияси, XXP, Корея Республикаси ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб - қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йил январь-июнь ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 23,7 ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 % га ўсган.

МДҲ ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллар, улущ, % да)



Бошқа хорижий давлатларнинг ТСА си 2020 йил январь –июнь ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсди (5,1 % га) ва жами ТСА даги улуши 76,3 % ни ташкил этди.

**Андижон вилоятининг ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
динамикаси**
(2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллари, улуши, % да)


Давлатлар	2019 йил	2020 йил
Корея Республикаси	691,7	752,3
Экспорт	0,5	0,2
Импорт	691,2	752,1
Сальдо	-690,7	-751,9
Россия Федерацияси	111,4	145,8
Экспорт	32,7	35,0
Импорт	78,7	110,8
Сальдо	-46,0	-75,8
ХХР	141,9	144,4
Экспорт	65,0	30,1
Импорт	76,9	114,3
Сальдо	-11,9	-84,2
Қирғиз Республикаси	117,2	94,5
Экспорт	102,3	86,7
Импорт	14,9	7,8
Сальдо	87,4	78,9
Қозоғистон	63,2	65,9
Экспорт	53,3	59,0
Импорт	9,9	6,9
Сальдо	43,4	52,1
Туркия	23,8	35,1
Экспорт	6,8	5,0
Импорт	17,0	30,1
Сальдо	-10,2	-25,1

Андижон вилоятининг экспорти

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг экспортёрлари сони 304 тани ташкил этиб, улар томонидан 235,1 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металлар экспортидан ташқари) қийматидаги (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 15,5 % га камайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 99,2 % ни ташкил этиб, улар асосан материал турига қараб классификацияланган машиналар ва транспорт асбоб ускуналари (31,8 %), турли хил тайёр буюмлар (27,5 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (22,8 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (8,3 %) ва ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари (8,1 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Экспорт таркиби (ХССТ)
(2020 йил январь-июнь, жамига нисбатан % да)



МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби
(2020 йил январь-июнь)

ХССТ таркиби	Минг АҚШ доллары			Умумий ҳажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлат- лар	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлат- лар
Жами экспорт	235 080,7	196 114,1	38 966,6	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	19 421,2	19 239,7	181,5	8,3	9,8	0,5
Ичимлик ва тамаки	175,6	175,6	-	0,1	0,1	-
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	19 180,2	16 595,3	2 584,9	8,1	8,5	6,6
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга үхшаш материаллар	0,5	0,5	-	-	-	-
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	248,7	248,7	-	0,1	0,1	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга үхшаш маҳсулотлар	1 184,2	680,8	503,4	0,5	0,3	1,3
Асосан материал турига қараб классификация- ланган саноат товарлари	53 570,5	20 117,1	33 453,4	22,8	10,3	85,9
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	74 705,0	74 225,1	479,9	31,8	37,8	1,2
Турли хил тайёр буюмлар	64 783,6	63 071,3	1 712,4	27,5	32,2	4,4
Хизматлар	1 811,1	1 760,0	51,1	0,8	0,9	0,1

МДХ ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, МДХ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми қора ва рангли металлар хиссасига тўғри келмоқда, кейинги ўринларда экспорт ҳажми бўйича машина ва ускуналар ва классификацияланган саноат товарлари, турли хил тайёр буюмлар ҳамда хизматларга тўғри келмоқда.


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-июнь)

ХССТ таркиби	2019 йилнинг январь-июнига нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлатлар
Жами	84,5	99,7	47,8
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар	30,0	35,0	1,8
Ичимлик ва тамаки	3,3 м.	3,3 м.	-
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	72,4	74,5	61,6
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	20,2	20,2	-
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	5,9 м.	5,9 м.	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	185,6	107,0	30,2 м.
Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари	65,9	118,1	52,0
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	132,8	137,9	19,9
Турли хил тайёр буюмлар	137,4	136,1	2,0 м.
Хизматлар	107,6	106,1	2,0 м.

2020 йил январь-июнь ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари, Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ва асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарларидан ташқари барча товар гурӯхларида ўсиш кузатилди.

Сүнгги уч йилда МДХ мамлакатларига экспорт ҳажми ошди ва уларнинг жами экспортдаги улуши 2018 йил январь-июнъдаги 69,7 % дан 2020 йилнинг январь-июнида 82,3 % га етди. Мос равища бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуши 12,6 % ни ташкил этди.


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллар, улуши, % да)



2020 йилнинг январь-июнь ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Қирғиз Республикаси (36,9 %), Қозоғистон (25,1 %), Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 14,9 %), Хитой Халқ Республикаси (12,8 %), Озарбайжон (2,8 %), Туркия (2,1 %) ва Украина (2,0 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 96,6 % ни ташкил этмоқда.

Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби (2020 йил январь-июнь, улуши, % да)

2020 йилнинг январь-июнь ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Қирғиз Республикаси (36,9 %), Қозоғистон (25,1 %), Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 14,9 %), Хитой Халқ Республикаси (12,8 %), Озарбайжон (2,8 %), Туркия (2,1 %) ва Украина (2,0 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 96,6 % ни ташкил этмоқда.




Асосий ҳамкор давлатлар	Экспорт	Ўсиш суръати, % да
Қирғиз Республикаси	86,7	84,8
Қозоғистон	59,0	110,7
Хитой Халқ Республикаси	35,0	107,1
Россия Федерацияси	30,1	46,4
Озарбайжон	6,5	6,2 м.
Туркия	5,0	74,3
Украина	4,8	138,5

2020 йилнинг январь-июнь ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Қирғиз Республикаси (36,9 %), Қозоғистон (25,1 %), Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 14,9 %), Хитой Халқ Республикаси (12,8 %), Озарбайжон (2,8 %), Туркия (2,1 %) ва Украина (2,0 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 96,6 % ни ташкил этмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти (2020 йил январь-июнь, минг АҚШ доллар)

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 18,0 млн. АҚШ доллар қийматли 33,7 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотлар экспорт қилинган. Бунда 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 41,5 млн. АҚШ долларидан пастлашиш кузатилиб, 70,4 % га камайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 10,7 млн. АҚШ долларига тенг 28,7 минг тонна сабзавот, шунингдек, 6,7 млн. АҚШ доллари қийматидаги 4,4 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорт қилинди.

Хукумат томнидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 7,7 % ни ташкил этди.




Мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари улуш ҳисобида, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Украина давлатлари хиссасига тўғри келган.

Андижон вилоятининг импорти

2020 йил январь-июнь ойларида импорт ҳажми 1 130,0 млн. АҚШ доллари ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 11,1 % га ўсди. Импорт таркибида энг катта улуш, машина ва транспорт асбоб ускуналари (62,3 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (19,9 %), турли хил тайёр буюмлар (5,7 %), шунингдек хизматлар (5,7 %) га тўғри келди.

Импорт таркиби (ХССТ)
(2020 йил январь-июнь, жамига нисбатан % да)



Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлари	Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
Ичимлик ва тамаки	Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материяллар	Турли хил тайёр буюмлар
Хайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	Хизматлар

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби (2020 йил январь-июнъ)

Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2020 йилнинг январь-июнида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,7 млн. АҚШ долларига ўсида ва 1 130,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 64,5 млн. АҚШ долларига етди.


ХССТ таркиби	Минг АҚШ доллари			Умумий ҳажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлат- лар	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлат- лар
Жами экспорт	1 129 977,5	127 316,0	1 002 661,4	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	6 880,9	2 853,7	4 027,1	0,6	2,2	0,4
Ичимлик ва тамаки	9,5		9,5	-	-	-
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	8 925,8	5 168,7	3 757,2	0,8	4,1	0,4
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	4 442,2	3 312,3	1 129,9	0,4	2,6	0,1
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	1 519,2	1 519,2		0,1	1,2	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	50 504,9	7 709,9	42 795,0	4,5	6,1	4,3
Асосан материал турига қараб классификацияланг ан саноат товарлари	224 375,9	81 325,2	143 050,8	19,9	63,9	14,3
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	703 857,0	24 933,3	678 923,7	62,3	19,6	67,7
Турли хил тайёр буюмлар	64 933,4	176,5	64 756,9	5,7	0,1	6,5
Хизматлар	64 528,6	317,3	64 211,4	5,7	0,2	6,4

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби динамикаси (2020 йил январь-июнь)

Импортнинг энг катта улуши, жумладан, асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (63,9 %), кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шугнга ўхшаш маҳсулотлар (6,1 %) ҳамда ноозик-овқат ҳом ашё, (ёқилғидан ташқари) (4,1 %) МДХ мамлакатларига тўғри келади, бошқа хорижий мамлакатларга эса энг катта улуш машиналар ва асбоб-ускуналар (67,7 %) ва турли хил тайёр буюмлар (6,5 %) хиссасига тўғри келади.

ХССТ таркиби	Минг АҚШ доллари		
	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар
Жами	111,0	117,3	110,2
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	61,4	43,8	86,0
Ичимлик ва тамаки	33,6	0,0	
Ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	123,5	117,6	132,6
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	81,1	71,7	131,4
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	227,7	227,7	
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	90,0	83,5	91,3
Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари	114,2	125,2	108,8
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	116,3	160,2	115,2
Турли хил тайёр буюмлар	115,6	66,7	115,8
Хизматлар	80,7	13,8	82,7


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллар, улуиш, % да)



Ҳисобот даври якунига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Корея Республикаси умумий импорт ҳажмида 66,6 % улуши билан Россия Федерациясини (9,8 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан импорт таркиби, % да (2020 йил январь-июнь)

2020 йил январь-июнь ойлари якуни бўйича Андижон вилояти томонидан 60 давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.



Етти йирик ҳамкор давлатлар (Корея Республикаси, XXР, Россия Федерацияси, Турция, Таиланд, Чехия ва Бразилия) жами импортнинг 93,6 фоизини ташкил киласди, бу 1 057,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Вилоятдаги сармоявий муҳит яхшилангани сари ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида машина ва ускуналар, шунингдек, уларнинг қисмлари импортининг ўсиши табиийдир. Шундай қилиб, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, XXР ва Таиланд томонидан киритилган катта ҳажмдаги инвестициялар натижасида, маҳсулотлар импортиҳажмида ушбу мамлакатларнинг юқори улуши сақланиб қолмоқда.

Машина ва ускуналар импорти динамикаси (2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллары)

2020 йил январь-июнь ойлари якуни билан 703,8 млн. АҚШ доллары миқдорида машина ва транспорт асбоб-ускуналари импорти амалга оширилган бўлиб, умумий импорт ҳажмининг 62,3 фоизини ташкил қилди.

Импорт қилинган ушбу соҳада автомобиллар (73,1 %), саноат учун маҳсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари (9,3 %), аниқ соҳалар учун маҳсус мўлжалланган машиналар (9,2 %) эгаллаган.

Машина ва ускуналар	Млн. АҚШ доллари	
	2019 йил	2020 йил
Автомобиллар	439,8	514,3
Саноат учун маҳсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари	47,7	65,4
Аниқ соҳалар учун маҳсус мўлжалланган машиналар	66,3	65,2

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари якунларига кўра, машина ва ускуналар импорти 2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш (16,3 %) қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан саноат соҳасининг автомобилсозлик тизими бутловчи қисмлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арzon автомобил билан таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.